Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2017 йил
**18 январь**
ЧОРШАНБА
**№ 6** (12954)

www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ:

# ЮҚОРИ УНУМ ВА СИФАТ КАФОЛАТИ

Жараён

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган мажлисида барча тармоқлар қатори юртимизда мева-сабзавот етиштиришни кўпайтириш, қайта ишлашни кенгайтириш, соҳага янги технология ва стандартларни жорий этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.*




Таъкидлаш керакки, вилоятимизда кейинги йилларда боғдорчилик ва сабзавотчиликни янада ривожлантириш, янги боғ ва токзорлар барпо этиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланиб, бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Кўпни кўрган, миришкор деҳқон ва боғбонларнинг ўзига хос мактаби яратилган Янгийўл туманида ҳам сабзавотчиликни ривожлантириш, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тумандаги "Natural Juice" масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини кичик қайта ишлаш цехи сифатида бошлаган бўлса, ҳозирда "Ўзбекозиқовқат-холдинг" компанияси таркибидаги йирик корхоналардан бирига айланиб улгурди.

Замонавий технология билан жиҳозланган ушбу корхонада мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қайта ишланиб, мева шарбати ва пюрелари тайёрланмоқда. Сўнгги йилларда корхона қувватини ошириш бўйича изчил иш олиб борилди. Натижада, корхона ойига 2 миллион литрдан ортиқ мева шарбати ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди. Тайёрланаётган маҳсулотлар сифатли, белгиланган талабларга тўла жавоб беради. Эътиборли жиҳати, ўзида меванинг юз фоизлик ҳақиқий таъмини сақлаб қолади.

Шуни айтиш керакки, ўтган йиллар мобайнида корхона маҳаллий фермер ва деҳқон хўжаликлари билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйди. Бу хом ашёни ўз вақтида олиш, захирасини яратиш имконини бериб, корхонанинг узлуксиз ишлашини таъминлаётир.

Юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш жамоанинг асосий шиорига айланган. Айни пайтда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ички бозоримизни тўлдириш билан бирга, Тожикистон, Қирғизистон, Афғонистон ва Хитойга экспорт қилинмоқда.

– Бозор иқтисодиёти истиқболни кўзлаган ҳар қандай тадбиркордан тўхтовсиз изланишни, янгилик устида ишлашни талаб этади, – дейди корхона раҳбарининг ишлаб чиқариш масалалари бўйича ўринбосари Ольга Шелякина. – Ички ва ташқи бозорни пухта ўрганишга, шарбатни қадоқлаш, истеъмолчиларга замонавий кўринишда, фойдаланиш учун қулай идишларда етказиб беришга жиддий эътибор қаратмоқдамиз.

Корхона жамоасининг режалари катта. Хусусан, келгусида серқуёш юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавотлардан тайёрланаётган дармондорига бой маҳсулотлар турини кўпайтириш, экспортни ошириш ва ташқи савдо географиясини янада кенгайтириш, янги иш ўринлари очиш кўзда тутилмоқда.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

***СУРАТДА:*** *корхона фаолиятидан лавҳа.*

*Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.*

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ*

## БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ АЪЗОСИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 61-моддаси ва "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Тошкент вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси сайлови бўйича қўшма мажлиси 2017 йил 21 январь куни соат 10.00 да Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри "Кимёгарлар" маданият саройи биносида ўтказилсин.
2. Мазкур қарор Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига ижро учун юборилсин.
3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ҳамда "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталарида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси Раиси** **М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 17 январь

Муносабат

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган мажлисидаги маърузаси юртдошларимиз томонидан қизғин кутиб олинди. Жойларда ушбу маъруза кенг ўрганилмоқда.*

# ҲАҚ СЎЗНИНГ ҚУДРАТИ

– Мазкур мажлисда сўзланган нутқ, муҳокамалар ва давлатимиз раҳбарининг уларга билдирган муносабати баайни кўнглимиздаги гаплар бўлди, – дейди Чирчиқ шаҳридаги 21-умумтаълим мактаби директори Сабура Нигманова. – Маълумки, шахсий намуна, ибрат деган гаплар бор. Шу маънода, Президентимизнинг ҳар қандай муаммо илдизига чуқур кириб бора олиши, аниқ амалий таклиф ҳамда асосли мулоҳазалар билдиргани аҳоли билан бевосита мулоқот қилишга шай мутасаддилар учун бебаҳо қўлланма, ибрат мактаби бўлди, десак, ҳақ гапни айтган бўламиз.

– Дарҳақиқат, мажлисда кўтарилган масалалар юзасидан давлат раҳбарининг қатъият билан муносабат билдириши, шу жойнинг ўзида муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиб бериши барчамизни қувонтирди, худди мен сингари барча юртдошларимиз қалбида ҳам эртанги кунга бўлган ишончни янада мустаҳкамлади, ғайратини жўш урдирди, – дейди "Зиё глобус" МЧЖ раҳбари, қибрайлик тадбиркор Бобур Зокиров. – Маърузани оила аъзоларим, яқинларим билан тингладик. Чунки, унда кўтарилган ҳар бир масала бевосита фаолиятимга дахлдор, қалбимнинг тубида турган сўзлар эди...

Тадбиркорнинг сўзларига қўшимча қилиб айтиш жоизки, мазкур маъруза аҳолининг барча қатламлари – касбу кори, фаолият туридан қатъи назар – ҳамма-ҳаммага бирдек тааллуқли, аҳамиятга эга экани билан янада қадрлидир.

– Сизга бир гапни айтаман, ўғлим, – дейди Ўрта Чирчиқ туманидаги "Янги ҳаёт" МФЙ раиси Рўзихон Қурбонова. – Яқинда катта умид ва ишонч билан, халқимиз иродаси, танловини намоён қилган Президентлик сайловини ўтказдик. Куни кеча бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисини телевизор орқали томоша қиларканман, беихтиёр хаёлимдан шундай ўйлар ўтди. Президентимиз халқ қалбининг билимдони, ислоҳотларнинг етук ижодкори, амалиётчиси эканлар. Ҳар биримизнинг орзу ва мақсадларимизни, интилиш ва режаларимизни билгандай, кўргандай сўзлаганлари тўлқинлантириб юборди. Ислоҳотлар самарасини эса яқин кунларда кўрамиз, йўқ, шошманг, ахир, бу самара ҳозирнинг ўзида, одамларнинг кайфиятида сезилиб турибди-ку! Ана, одамлар билан суҳбатлашинг, уларнинг ҳол-руҳиятини би-и-р назардан ўтказинг. Ў, бугун одамларда ўзига бўлган ишонч нақадар юксак! Биласиз, халқ бирон ишга, мақсадга хизмат қилишидан бурун унинг кайфияти, улуғ ишларга қодир руҳияти жўш уриши керак.

"Қалбдан чиққан сўз қалбларга етиб боради", дейдилар. Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида билдирилган фикр ва мулоҳазалар, давлатчилигимиз тараққиётида янги босқич, янги давр бошланганидан дарак берувчи яна бир муждадир.

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
**Беҳзод ҚОБУЛОВ ёзиб олди.**





Амалий семинар

# МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ — МАСЪУЛИЯТ

*Вилоят ҳокимлигига Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасидан 18 минг 700 дан ортиқ мурожаат келиб тушган.*

Тўйтепа шаҳрида "Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва иш самарадорлигини такомиллаштириш" мавзуида бўлиб ўтган семинарда мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз борди.

Вилоят ҳокимлиги ҳамда прокуратураси ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг Ишчи гуруҳи аъзолари, бошқарма ва ташкилотларнинг мурожаатлар билан ишлашга масъул мутахассислари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Чуқур таҳлил руҳида ўтган мулоқотда вилоят ва маҳаллий ҳокимликлар қошида ташкил этилган Ишчи гуруҳларнинг иш самарадорлиги бугунги кун талабига жавоб бермаётганига асосий эътибор қаратилди.

Қайд этилганидек, айрим ҳудудларда мурожаатлар билан ишлаш бўйича самарадор тизим йўлга қўйилмаган. Натижада, уларнинг ижроси таъминланмай, фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Семинарда мурожаатлар билан ишлашда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, Ишчи гуруҳлар фаолияти натижадорлигини ошириш, ушбу йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этиш юзасидан фикр алмашилди. Бунинг учун, аввало, ҳар бир мурожаатни жойига чиқиб ўрганиш ва унга қонунларимизда белгиланган муддат ва тартибда ечим топиш, шунингдек, Ишчи гуруҳ аъзоларининг билими, меҳнат интизоми ва белгиланган вазифаларга нисбатан шахсий масъулиятини ошириш лозимлиги, ташкилотчи ва ташаббускор ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди.

Анжуманда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Семинарда вилоят ҳокими ўринбосари У. Раҳимов иштирок этди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Фармон ва ижро

# ИНСОН ДУНЁГА БАХТЛИ ЯШАШ УЧУН КЕЛАДИ

"... Инсон манфаатларини таъминлаш учун, аввало, одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак". Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида баён қилган ушбу фикрлар бугун кўплаб саъй-ҳаракатлар, ўтказилаётган тадбир ва маросимларда ўз ифодасини топмоқда.

Кеча Тўйтепа шаҳрида ана шундай тадбирлардан яна бири бўлиб ўтди. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида"ги Фармонига асосан вилоятда умргузаронлик қилаётган 35 нафар инсонга фуқаролик паспортлари тантанали вазиятда топширилди.

Маросимда вилоят фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқароликка қабул қилинганларнинг яқинлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

– Инсон бахти оиласи, фарзандлари, маҳалла-кўй, Ватани билан бутундир, – дейди зангиоталик Умида Қаҳҳорова. – Бугун биз ана шу чинакам саодатга мушарраф бўлдик. Ўзбекистон фуқароси паспортини қўлимга олган заҳоти кўзимга суртдим. Ахир, мен бу кунни озмунча кутдимми? Президентимизнинг бундай мардона ғамхўрлигини умрбод унутмайман.

Маросимда худди шундай бахтга эришиб, кўнгли беқиёс сурурга тўлган замондошларимиз ўзларига кўрсатилган юксак эътибор учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик изҳор этдилар.

Фуқаролик паспортларини ўз эгаларига вилоят ҳокими Шукурулло Бобоев топширди.

**Ўз мухбиримиз.**

*Мансур НАХАЛОВ олган сурат.*





*Янгиликлар, хабарлар, таҳлилий-танқидий мақолалар билан газетамизнинг интернетдаги манзили – www.thtp.uz орқали ҳам танишишингиз мумкин.*

# ЧЕТДАН БОЗОР ТОПИШ ОСОН ЭМАС

*Мамлакатимизда тадбиркорликни янада ривожлантириш, ишбилармонларимизнинг эмин-эркин фаолият юритишини таъминлаш, соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

❑ Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 5 октябрда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу ҳужжат ижроси доирасида вилоятимиз, жумладан, Зангиота туманида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олиш, кичик бизнес равнақига кенг йўл очишга қаратилган чора-тадбирлар давом эттирилмоқда.

Тумандаги "Келес жун" масъулияти чекланган жамияти давлатимиз томонидан берилаётган ана шундай эътибор, имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланиб, ўз фаолиятини босқичма-босқич ривожлантиришга эришаётган корхоналар сирасига киради.

Айни кунда жамоада болалар ва ўсмирлар учун кийимбошлар тайёрланмоқда. Юз фоиз табиий хом ашё – пахта толасидан тайёрланаётган кийим-кечакларга талаб юқори. Негаки, улар ўзининг бежиримлиги, сифати билан ажралиб туради.

– Бугунги кун харидорининг диди нозик, танлаш имконияти кенг, – дейди корхонанинг ишлаб чиқариш бўйича директори Сайдулла Солиев. – Тез ўзгарувчан ички ва ташқи бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаш осон эмас. Иш жараёнида бу масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, айни кун мода талабидан келиб чиққан ҳолда янги-янги моделлар устида изланишлар олиб бормоқдамиз.

Корхона Туркия ва Хитойнинг энг замонавий тикишбичиш ускуналари билан жиҳозлангани ишлаб чиқариш жараёнини тез ва қулай тарзда, осон амалга ошириш имконини бераётир. Ҳозир бу ерда кунига тўрт мингтагача, ойига эса 90 минг донадан кўпроқ болалар мавсумий либослари тайёрланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, "Келес жун"да икки юз эллик нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётир. Улар орасида ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Ҳududдаги маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини ўтган йил тамомлаб, шу ерда иш бошлаган Шаҳзода Зиёдовани суҳбатга тортамиз.

– Шу кунларда болажонлар учун турли ўлчамдаги иссиқ ички кийим ва куртка тикаяпмиз, – дейди Шаҳзода. – Бу жараён менга қизиқ, билмаганларимни ўрганаяпман. Ўзимга ҳар жиҳатдан маъқул келадиган иш билан банд эканим, доимий даромадга эга бўлаётганим ва оз бўлса-да, элу юртга нафим тегаётганидан бахтиёрман.

Бугунги кунда мазкур корхона мутасаддилари кийим-кечакларнинг янги моделларини яратиш, маҳсулот сифатини ошириш, тури ва экспортини кўпайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича иш олиб бормоқда. Зеро, бизнесда бусиз муваффақиятга эришиб бўлмайди.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
*Мансур НАХАЛОВ олган сурат.*

## ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

**Паркент тумани**

### ЗОРРОНИНГ РЕЖАСИ ЗЎР

**Паркентлик ёш тадбиркор Зорро Миротаев ўз бизнесини бошлаганида кўпчилик унинг лойиҳасини қисқа муддатда шунчалик ривожланиб кетишини тасаввур ҳам қилмаганди.**

Бугун Ҳисорак қишлоқ фуқаролар йиғинида Зорронинг саъй-ҳаракати билан ташкил этилган "Bitter textile plus" масъулияти чекланган жамиятида 140 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Замонавий технологиялар асосида жиҳозланган ушбу корхонада болалар ва ёшлар учун ўзига хос дизайн, бичим ва кўримга эга 6 турдаги устки кийим-кечаклар тайёрланаётир.

Тадбиркор келгусида маҳсулот экспортини йўлга қўйиш, корхона фаолиятини кенгайтириш ҳисобидан яна элликдан зиёд иш ўрни очишни режалаштираётир.

**Д. ҚУРБОНХЎЖАЕВ.**

**Бекобод шаҳри**

### ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ШАРОФАТИ

**Йирик саноат тузилмаларида технологик жараёнларнинг бир маромда боришини таъминлашда эҳтиёт қисмлар ҳамда бутловчи буюмларнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Ана шу эҳтиёжни қоплаш мақсадида Бекобод шаҳридаги "Ўзметкомбинат" акциядорлик жамиятида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида бир неча истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.**

Масалан, комбинатнинг тегишли цехида бош механика бўлими мутахассислари билан ҳамкорликда бандажли валларни қуйиш ва тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилгани айни муддао бўлди. Бундай пўлат қолиплар комбинатнинг юқори босимли ишлаб чиқариш ускуналарини ҳаракатга келтиришда асқотадиган турли диаметрли пўлат соққачаларни тайёрлаш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш лозимки, илгари бандажли валлар валюта ҳисобига четдан келтириларди. Инновацион лойиҳалар шарофати бу ердаги кўплаб эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун узлуксиз равишда етказиб бериш имконини бераяпти.

**Алишер РАҲМАТОВ.**

**Юқори Чирчиқ тумани**

### САВОДХОНЛИК МАШҒУЛОТИ

**Юқори Чирчиқ туманидаги 24-Болалар мусиқа ва санъат мактабида "ЎзХДПнинг энг фаол аёли" танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

Мамлакатимизда демократикислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хотин-қизларнинг қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда имкониятларини рўёбга чиқаришига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган беллашувда 25 ёшдан 50 ёшгача бўлган фаол хотин-қизлар 3 та шарт асосида ўзаро баҳслашишди.

Якунда оҳангаронлик Дилфуза Дадажонова 1-ўринни қўлга киритиб, танловнинг республика босқичи йўлланмасига эга бўлди. Иккинчи ўрин эса Юқори чирчиқлик Гулноза Норматовага, 3-ўрин Қуйи чирчиқлик Гулшекер Исманқуловага насиб этди.

Танлов ғолиблари партия вилоят кенгашининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Ўз мухбиримиз.**

❑ Депутат шарҳи

*Мустақиллик йилларида юртимизда автомобиль транспорти хизмати соҳасида олиб борилган кўламли ислоҳотлар натижасида бугун нафақат шаҳарларда, балки энг узоқ қишлоқ ҳудудларида ҳам йўловчиларга сифатли транспорт хизмати кўрсатиш тўлиқ шаклантирилди.*

## ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ: НАМУНАЛИ ХИЗМАТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Соҳада яратилган қулай бизнес муҳити туфайли автомобилда йўловчи ташиш хизмати бозорида хусусий секторнинг улуши 90 фоиздан ортди. Жаҳон талаблари даражасидаги йўловчи ташиш транспортининг барча турлари ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда.

Энг муҳими, юртимизда мазкур соҳанинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари шаклланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги Қарори бу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Жумладан, мамлакатимизда йўловчи ташишда қўлланилаётган автомобиллар паркини янгилаш, йўналишларни белгилашда нафақат аҳоли зич яшаётган манзилларни ўзаро боғлаш, балки, энг чекка ҳудудларда жойлашган йўналишларни ҳам эътиборга олиш ва кенгайтириш, автомобиль йўлларининг йўл қопламаларини биринчи навбатда қишлоқ жойларда яхшилаш ҳисобига аҳолининг автомобилларда ташувларга бўлган талаб-эҳтиёжини янада тўлиқ қондиришни таъминлаш масалалари устувор вазифа сифатида белгиланди.

Шунингдек, Қарорда йўловчилар ташиш хавфсизлиги чора-тадбирларини кучайтириш, йўналишлар бўйича ҳаракатланиш жадвалларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, кўрсатилаётган хизматларнинг сифат даражасини ошириш, соҳада истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини шакллантириш, йўлкира ҳақи учун нақд пулсиз тўлов тизимини жорий этиш бугунги куннинг муҳим вазифалари сифатида белгиланган.

Бу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги зиммасига йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини оширишга йўналтирилган комплекс амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва тизимли асосда амалга ошириш ҳамда назорат қилиш вазифаси юклангани ҳолда унинг ваколат доираси ҳам кенгайтирилди.

Дастур ижроси давомида 303 та янги йўловчи ташиш йўналиши, улардан 240 таси (79,2 фоизи) шаҳар атрофида ва қишлоқ жойлардан ўтадиган шаҳарлараро қатновларда очилиши, қўшимча 8,6 мингта йўловчи ташиш автомобили, шу жумладан, 5,7 мингта умумий фойдаланишга қулай микроавтобуслар эксплуатацияга киритилиши аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришда муносиб ўрин тутади.

Дастурни молиялаштиришга 840 миллиард сўмдан зиёд, асосан "Ўзавтосаноатлизинг" ва бошқа лизинг компанияларининг маблағлари, тижорат банклари кредитлари, хусусий инвесторларнинг ўз маблағлари, шунингдек, маҳаллий бюджетлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар йўналтирилган ҳолда, жалб этилаётган маблағларга ва хориждан импорт қилиниши зарур бўлган бутловчи материаллар ҳамда лизинг хизматлари учун алоҳида имтиёзли механизмлар белгиланди.

Дастур бажарилишининг доимий мониторингини олиб бориш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилиб, унинг муайян вазифалари белгиланди.

Муҳтарам Президентимиз томонидан қабул қилинган мазкур Қарор ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш ҳамда шаҳар ва қишлоқларда аҳоли бандлиги муаммоларини ижобий ҳал этишда муҳим ўрин тутади.

**А. УМАРАЛИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси.**

## ОРЗУЛАР РЎЁБИГА ЙЎЛ

*Куни кеча 2016-2017 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиялари танлови ғолиблари эълон қилинди. Қувонарлиси, бундай эътибор ва рағбатга сазовор бўлганлар сафида вилоятимизнинг истеъдодли, қобилиятли ёшлари ҳам бор.*

❑ Интилиш

Қибрайлик Моҳларойим Қаюмова Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети "Журналистика (халқаро журналистика)" факультетининг 4-босқичида ўқийди. Унинг 30 га яқин илмий мақолалари, 100 дан ортиқ журналистик материаллари чоп этилган. Инглиз тилида эркин сўзлаша оладиган ёш мутахассис нафақат вилоятимиз, балки республикамизнинг умидли ёшларидан.

Паркентлик спортчимиз Обиджон Эгамбердиев эса Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти магистранти. Унинг ногиронлар фойдаланадиган спорт иншоотларини дастурий воситалар ёрдамида лойиҳалаш мавзуидаги изланишлари алоҳида эътиборга лойиқ.

Нафақат аъло ўқишлари, балки ўз танлаган соҳаси бўйича олиб бораётган чуқур изланишлари туфайли эришган Президент стипендиялари уларнинг келгусидаги режалари рўёбига кенг йўл очиши шубҳасиз.

**Ўз мухбиримиз.**

*Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси*
*ҚАРОРИ*

## Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашида бўшаб қолган ўринларга сайланган депутатларни рўйхатга олиш тўғрисида

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 41, 44, 45, 46-моддаларига мувофиқ Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2017 йил 15 январда Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайлови ўтган деб ҳисоблансин.

2. Сайлов жараёнларида овоз бериш натижалари тўғрисидаги 34-"Ўзбекистон", 37-"Қорахитой" ҳамда 44-"Кориз" округ сайлов комиссияларининг баённомасига асосан қуйидаги номзодлар Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига депутат этиб рўйхатга олинсин.

| Депутатнинг фамилияси, исми ва шарифи | Туғилган йили | Партиявийлиги | Иш жойи ва лавозими | Яшаш манзили | Қайси сайлов округидан сайланган |
|---|---|---|---|---|---|
| Бабаев Шукурулло Хабибуллаевич | 1959 йил, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри | ЎзЛиДеП аъзоси | Тошкент вилояти ҳокими | Тошкент шаҳри | 34-"Ўзбекистон" сайлов округи |
| Тураев Тулкинбай Ганиевич | 1958 йил, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани | ЎзЛиДеП аъзоси | Тошкент вилояти фермерлар кенгаши раиси | Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани | 37-"Қорахитой" сайлов округи |
| Исабаев Акмалжон Тешабоевич | 1963 йил, Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри | ЎзЛиДеП аъзоси | Пискент тумани ҳокими | Тошкент шаҳри | 44-"Кориз" сайлов округи |

**Вилоят сайлов комиссияси раиси У. АБДУШОҲИДОВ**

Тошкент шаҳри, 2016 йил 15 январь

## СОЛИҚ ТИЗИМИДА МУҲИМ ЯНГИЛИКЛАР

*Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқарувчилар ҳамда республикамизда автомобиль саноатини янада ривожлантириш мақсадида берилган солиқ имтиёзлари 2020 йилнинг 1 январигача, таҳририятлар ва нашриётлар учун қўлланилган солиқ имтиёзларининг муддати эса 2019 йилнинг 1 январигача узайтирилди. Бу ҳақда Республика Давлат солиқ қўмитаси "Ўзэкспомарказ"да ўтказган семинарда таъкидланди.*

❑ Хабарингиз борми?



Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишларидан келиб чиқиб, солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида ташкил этилган мулоқотда тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, тадбиркорлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Қайд этилганидек, "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун, Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарорига асосан юртимизда тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, аҳолининг реал даромадларини ошириш мақсадида қатор солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича енгиллик ва имтиёзлар яратилди. Шунингдек, қонун ҳужжатларига асосан берилган имтиёзлар муддати узайтирилди.

Хусусан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги юридик шахслар учун фойда ва ягона солиқ тўловидан озод этиш тарзидаги солиқ имтиёзлари татбиқ этилди. 2020 йилнинг 1 январигача амал қиладиган имтиёзлар мазкур соҳаларнинг 12 тури бўйича қўлланилди. Имтиёзнинг 4 тури республикамизнинг барча ҳудудлари, қолган 8 таси фақат қишлоқ жойлари учун амал қилиши белгиланди.

Асосий солиқ ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолият турлари бўйича қатъий белгиланган ставкалари ўзгармади.

Тадбирда бир гуруҳ намунали солиқ тўловчилар Давлат солиқ қўмитасининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Аваз ИСРОИЛОВ.**
*Н. МАНСУРОВ олган сурат.*

# ИМТИЁЗ ИМКОНИЯТЛАРНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРАДИ

*Тошкент вилоятида ўз конституциявий бурчини ўтаётган муддатли ҳарбий хизматчилар мамлакатимиз олий ўқув юртларига имтиёзли асосда ўқишга кириш имконини берадиган ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасини олиш учун давлат тест синовларини топширди.*

## Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

Тошкент ҳарбий округидаги ҳарбий қисмлардан бирида бўлиб ўтган мазкур тест синовларини очиқ ва ошкора ўтказиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланиб, бу ишга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази вакиллари билан бирга, Мудофаа вазирлиги масъул ходимлари ҳам жалб этилди.

Мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ҳарбий хизматчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўринда муддатли ҳарбий хизматни ўташ жараёнида жанговар тайёргарлиги, намунали хулқи ва интеллектуал салоҳияти билан сафдошларига ибрат бўлган йигитларга олий ўқув юртларига ўқишга киришда имтиёз берувчи тавсияномалар жорий этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Биринчи Президентимизнинг 2012 йил 31 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

– Тест синовлари жанговар, маънавий-маърифий тайёргарлик ва мантиқий саволлардан иборат уч йўналишдаги мавзуларни қамраб олади, – дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази бўлим бошлиғи Шуҳрат Мирбобоев. – Тест саволлари ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш дастурлари, хизмат фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда шакллантирилган. Тест синовлари натижалари текширувдан ўтказилгач, ҳарбий қисм қўмондонлигига юборилади ва айнан шу маълумотлар муддатли ҳарбий хизматчиларни резервга бўшатиш жараёнида тавсияномалар беришда муҳим ўрин тутади.

Муддатли ҳарбий хизмат ўтаётган аскарларнинг давлат тест синовлари асосида олий ўқув юртларига ўқишга кириши учун мана шундай имтиёзга эга бўлаётгани уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳини янада мустаҳкамламоқда.

– Фарзанди ҳарбий хизматдан қайтган ота-оналарнинг "Ўғлим армиядан "имтиёз" олиб келибди" дея фахр билан гапирганига кўп гувоҳ бўлганман, – дейди сурхондарёлик оддий аскар Иномжон Отамуродов. – Бундай имтиёз олган, ота-оналарига раҳмат келтирган акаларимга доим ҳавас қилганман. Шунинг учун муддатли ҳарбий хизматни ўташ чоғида ҳарбий соҳа асосий йўналишларини ўзида мужассам этган фанлар, ихтисосликларни пухта ўргандим. Бугун тест синовларида яхши натижа кўрсатиб, ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасини олишимга ишонаман.

**И. АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

*Она сайёрамизда инсоният тараққиёти силсиласида ҳарбий санъатнинг ривожланиш тарихи ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Турли даврларнинг ҳарбий услублари, қурол-яроғлари ҳақидаги маълумотлар бу соҳанинг асрлар давомида такомиллашиб борганини кўрсатади. Юртимизда олиб борилган археологик қазилмалар жараёнида кўплаб ибтидоий қуроллар, жанг аслаҳалари топилган. Чунончи, Оҳангарон ва Бўстонлиқ туманларидаги Қизилолмасой, Хожикент, Палтов ва Кўлбулоқ томонлардаги қадимий археологик ёдгорликлар ўрнидаги қазилмалар жараёнида қадимшунослар учи чақмоқтошдан ясалган камон ўқини топишган.*

# СОКИН МАНЗИЛЛАР СИНОАТИ



Тош асрининг энг сўнгги неолит даврига келиб, одамлар ўзлари ясаган тошболта, ханжар ва чўқморлардан ҳам ов чоғида, ҳам урушларда фойдаланишган. Умуман, тош ҳарбий аслаҳалар ясашнинг асосий "хом ашё"си сифатидаги ўрнини сақлаб келган.

Бироқ, бронза асрига келиб, қуроллар анча ўзгарди, такомиллашди. Бу даврда бронза ўрнини ҳеч нарса босолмайдиган асосий унсурга айланди. Одамлар ундан пичоқ, камон ўқи ва найзаларнинг учларини ясашган.

Уруш майдонларидаги жанговар ҳаракат санъати ва усуллари айнан бронза даврига келиб росмана шаклланa бошлади. Айнан шу давр, яъни эрамиздан аввалги III-II асрлар ҳарбий уловлар пайдо бўлгани билан тарихда қолган. Уруш чоғида туя ва қулонлар қўшилган уловлардан фойдаланишган. Кейинчалик икки ғилдиракли жанг аравалари пайдо бўлиб, уларга отлар қўшилган.

Мамлакатимизнинг кўз илғамас кенгликлари беқиёс гўзал манзарали бўлиб, чор атрофи гуллаб-яшнаган воҳа билан ўралган. Кўплаб қабилалар асрлар давомида ўз маданияти ва ҳаёт тарзини яратган.

Қадимий Бақтрия, Сўғдиёна, Хоразм, Чоч (Тошкент) давлатлари бутун Осиё минтақаси маданиятининг шаклланиши ва ривожланишида катта роль ўйнайди.

Табиийки, башарият ривожланишда, ўсишда, мукаммаллашишда давом этди, одамлар ҳаёт-мамот қонуниятларини англай боришди. Урушлар давом этди, қурол-яроғнинг янги-янги турлари ихтиро қилинди. Қуролларнинг такомиллашуви билан бир вақтда ҳимояланиш аслаҳалари ҳам ривожланиб борди.

Аслида ҳам қурол-яроғ замирида иккита йирик тушунча яширин. Яъни – ҳужум ва ҳимоя, уруш ва тинчлик. Бироқ, барчага маълумки, дунёни тинчлик ғояси бошқаради. Давлатлар ўртасида табиий йўсинда чегаралар пайдо бўлади, туғ, байроқ давлатнинг бош рамзига айланади. Тинчлик ва ҳимоя ғоялари умргузаронликни таъминловчи ўхшаши йўқ куч – армиянинг вужудга келишига асос бўлади.

Тарих Тўмарис, Спитамен, Мангуберди ва яна кўплаб ватанпарварларнинг номларини ўзининг ўчмас йилномалари қатларида сақламоқда. Бу шундай пойдеворки, тинчлик ва она тупроғига меҳр-муҳаббат ғоялари билан суғорилган халқ армияси айнан шу мустаҳкам асосга таянган ҳолда шаклланган.

Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги Банокат шаҳри деворлари ёнида озмунча жангчилар ҳалок бўлмаган! Шаҳар қамалда қолган. Аммо, ҳимоячилар душманга тиз чўкмадилар. Банокатнинг бор қўшини қирилиб битса ҳам шаҳар таслим бўлмади, ўлимни афзал билди. Бундай жасорат олдида лолу ҳайрон қолган, аламига чидолмаган ёв шаҳарга ўт қўйди.

Орадан бир ярим аср вақт ўтиб, буюк Амир Темур бу жойнинг ҳарбий-стратегик аҳамиятини тўғри ва юксак баҳолаб, ўша машҳур Банокат вайроналари ўрнида янги шаҳар бунёд этди ва унга Шоҳруҳия номини берди. Шундан сўнг афсонавий Банокат ва ажойиб Шоҳруҳия буюк жасорат, қаҳрамонлик ва абадий шон-шуҳрат тимсолига айланди.

**Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,**
**халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи.**



## Агар огоҳ сен…

*Борлиқ шукроналикка түйинган палла. Атрофга боқиб, юрагим жўшди. Бу фасл яшаш шавқу сурурини қалбга солди. Ўйлай бошладим… Айниқса, тинчлик ҳақидаги ўйларим баридан баланд келди. Юракдан тўкилган оҳорли сўзлар ҳам тинчликдек улуғ неъматга таъриф бўла олмаса-да, уни ўзимча мадҳ қилишга ошиқдим.*

# ТИНЧЛИК ШУКРОНАСИ

Биласизми, дунёда энг улуғ неъмат бор, унинг номи – тинчлик. Усиз ҳаёт дарёси қурийди, инсонлар тақдири уқубатга, ранжу балога гирифтор бўлади. Тинчлик бебаҳо, битмас-туганмас, қадри абад бойликдир. Унинг хотиржамлик ва роҳату фароғат деган забаржад хазиналари бор. Шу хазиналар ҳар бир кишига ризқу насиба улашади, кўнглини завқу шавққа ошно этади, орзуларини сарбаланд айлайди, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди.

Тинчлик – омонлик, файзу баракадир. Ўтган йиллар ичида истиқлолимизни асосли даражада мустаҳкамлайдиган қандай ғалабаларга эришдик? Биринчидан, нонимиз бутун бўлди, энди қаергадир ғалла сотиб олиш учун мурожаат қилмаймиз, ҳар йили олти ярим миллион тоннадан зиёд буғдой етиштираяпмиз. Ҳатто, унинг бир қисмини экспорт қилаяпмиз. Бу нимани билдиради? Тинчлик – нон эканлигини, ундан баҳраманд бўлган халқнинг кўзи ҳам, ўзи ҳам тўқ, илиги бақувватлигини билдиради.

Бинобарин, тинчлик нони – шараф, шон, имон, эътиқод ҳамдир. Нони ярим инсонни армон босади, дейишади. Фикрини ғулғула ўғирлайди. Босар-тусарини унутади, шаъни, ор-номуси кучсизланади.

Ҳа, тинчлик-осойишталик булоғидан сув ичиб, буюк ишларга бел боғлаш, тараққиётга юзланиш, ривожланишдир.

Шундай экан, истиқлол чамани янада гуллаб-яшнасин. Биз унинг тинчлик хиёбонида ўз орзу-умидларимиз, мақсадларимиз рўёбини кўриб, Ватан хизматига жону жаҳонимизни бахшида этайлик. Зеро, бу бизга ҳам фарз, ҳам қарздир.

Келинг, азизлар, бирваракайига ҳаммамиз тинчликни қадрлайлик. Бу йўлда жонфидо инсонларга ташаккурлар айтайлик. Кўринг-а, бу жаҳонни: талатўплар қуршовида. Бизга тинчликдек улуғвор неъматдан баҳраманд бўлиш насиб этган экан, Яратганга минг-минг шукрлар қилайлик! Илоҳим, бутун оламда тинчлик-тотувлик барқарор бўлсин!

**Сарвиноз АБДУХЎЖАЕВА,**
**Янгийўл тумани.**

# ҒОЯЛАР КУРАШИ ДАВОМ ЭТАДИ…

*2016 йил ўзбекистонлик шахматчилар учун ҳам самарали бўлди. Спортчиларимиз жаҳон ва юртимиз миқёсида ўтказилган нуфузли мусобақаларда шода-шода медалларни қўлга киритишди. Хусусан, шахматчиларимизнинг халқаро турнирлардаги иштироки 2015 йилга нисбатан 2 бароварга кўпайди.*

## Ақл гимнастикаси

Ўзбекистон 2016 йилда 3 та йирик халқаро турнирга мезбонлик қилди. Жаҳон шахмат юлдузларининг халқаро турнири, аёллар ва эркаклар иштирокидаги Осиё чемпионати, Г. Аъзамов хотирасига бағишланган мусобақалар фикримиз исботидир. Бўлиб ўтган беллашувларда ватандошларимиз 40 та олтин, 15 та кумуш, 12 та бронза медалларини қўлга киритди. Абу Даби шаҳрида, Монголия, Эрон, Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги турнирларда иштирок этган ёшларимиз ютуқлари жаҳон миқёсида улкан эътирофга сабаб бўлди. Осиё шахмат федерацияси томонидан Рустам Қосимжонов 2015 йилнинг "Энг яхши блиц ўйинчиси", Шамсиддин Воҳидов "Йилнинг энг яхши 14 ёшли ўсмир ўйинчиси" номинацияларига сазовор бўлишди. Афруза Ҳамдамова, Алихон Авазхонов, Ҳумоюн Синдоров, Далер Воҳидов, Расулбек Абдуллаев, Нозима Валиевалар Эронда бўлиб ўтган беллашувда 7 та олтин, 2 та кумуш, 2 та бронза медалларига муносиб кўрилди. Ўзбекистоннинг яна бир иқтидорли фарзанди Нодирбек Якуббоев Россиядаги турнирда ўзининг машҳур ғалабасини қўлга киритди. Нодирбек Абдусатторов эса Чигорин хотирасига бағишланган халқаро турнирда дунёнинг илғор гроссмейстерларини мағлуб этиб, 12 ёшида халқаро гроссмейстер бўлди. Сочи шаҳрида ўтказилган мактаб ўқувчилари ўртасидаги Жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз жамоавий ҳисобда 1-ўринни эгаллади.

Шунингдек, терма жамоамиз аъзолари 36,5 очко жамғариб, Ҳиндистон ва Россия каби дунёнинг кучли давлатларини ортда қолдирди ва 3 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза медали соҳиблари бўлишди.

Темур Қўйбоқаров Малайзияда ўтказилган, Жаҳонгир Воҳидов Англияда, Гулруҳбегим Тоҳиржонова, Шамсиддин Воҳидов Воронеж шаҳридаги беллашувларда, Ирина Геворгян, Сарвиноз Қурбонбоеваларнинг Грузия ва Филиппиндаги нуфузли мусобақалардаги муваффақияти ҳар биримизга ғурур бағишлади. Қизларимиз ва аёлларимизнинг эришган ғалабаларини кўриб, келажакда Нафиса Мўминова ва унинг сингиллари қатори ўзбек қизларининг гроссмейстерлик сафи янада кенгайишига амин бўлдик. Бугунга келиб, Рустам Қосимжонов, Нафиса Мўминовадек дунё таниган иқтидор эгалари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Республика Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон шахмат федерациясининг 2016 йилги фаолияти якунлари ва 2017 йилги истиқболдаги вазифалари" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда юқоридаги ютуқлар тилга олиниб, йилнинг энг фаол, совриндор шахматчилари тақдирланди. Ўзбекистон шахмат Федерациясининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Федерация раҳбарияти журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди. Анжуман якунида 2017 йилда қилинажак ишлар режаси ҳақида ахборот берилди.



**Шоира БОЗОРОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 17 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)***

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2429,52 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3910,38 |
| 1 Дания кронаси | 463,75 |
| 1 БАА дирҳами | 885,12 |
| 1 АҚШ доллари | 3251,06 |
| 1 Миср фунти | 172,01 |
| 1 Исландия кронаси | 28,48 |
| 1 Канада доллари | 2473,23 |
| 1 Хитой юани | 471,63 |
| 1 Россия рубли | 54,76 |
| 1 Украина гривнаси | 117,50 |
| 1 Малайзия ринггити | 728,28 |
| 1 Польша злотийси | 787,43 |
| 1 Норвегия кронаси | 381,65 |
| 1 СДР | 4393,00 |
| 1 Туркия лираси | 867,83 |
| 1 Швейцария франки | 3214,74 |
| 1 Сингапур доллари | 2274,43 |
| 1 ЕВРО | 3450,04 |
| 1 Швеция кронаси | 363,99 |
| 1 Қувайт динори | 10634,82 |
| 10 Жанубий Корея вони | 27,51 |
| 10 Япония иенаси | 284,68 |
| 100 Ливан фунти | 216,00 |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

Диққат, танлов!

# *«Армия – юртимиз тинчлиги ва осойишталиги рамзи» республика танлови*

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Матбуот ва ахборот агентлиги, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Мудофаа вазирлиги ва Миллий телерадиокомпания билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 25 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан журналистлар ўртасида **"Армия – юртимиз тинчлиги ва осойишталиги рамзи"** республика танловини эълон қилади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларда Қуролли Кучларимиз салоҳияти ва ҳарбий соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, сарҳадларимиз дахлсизлиги, осмонимиз мусаффолиги, юртимиз тинчлиги ва мамлакатимиз осойишталигини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган ҳарбийларнинг мардона хизмати, офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига ижтимоий-маиший шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар чуқур таҳлил этилган ва маҳорат билан ёритилган бўлиши лозим.

"Армия – юртимиз тинчлиги ва осойишталиги рамзи" танлови оммавий ахборот воситаларининг қуйидаги йўналишлари бўйича ўтказилади:

– босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари (1-, 2-, 3-ўрин);

– тележурналистларнинг кўрсатувлари (1-, 2-, 3-ўрин);

– радиожурналистларнинг эшиттиришлари (1-, 2-, 3-ўрин);

– интернет нашрларидаги материаллар (1-, 2-, 3-ўрин);

– фотожурналистикага оид материаллар (1-, 2-, 3-ўрин).

Танлов ғолиблари диплом ва қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирланади.

Танловга 2016 йил давомида ҳамда 2017 йилнинг 31 мартигача газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, фоторепортажлар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар (камида 5 та) 2017 йилнинг 5 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари ва совриндорлари рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Танловга тақдим этилаётган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

– муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида маълумот (объективка) ;

– муаллифнинг паспорти нусхаси;

– иш жойидан тавсиянома;

– муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

**Ижодий ишлар "Армия – юртимиз тинчлиги ва осойишталиги рамзи" танловига" деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:**
**100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси**
**Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87,**
**веб-сайт: www.journalist.uz**

**Реклама ва эълонлар**

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2017 йил 20 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани СИБ томонидан ФИБ Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманлараро судининг 24.11.2016 йилдаги 5215/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган: 1. Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Яралихўжаев кўчаси манзилида жойлашган, умумий майдони 2297 кв.м., қурилиш ости майдони 847,99 кв.м., ҳовли ва боғ майдони 1449 кв.м., "Оққўрғон минибанк" бино ва иншоотлари, бошланғич баҳоси - 600 000 000 сўм. 2. Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Зебинисо кўчаси, 15-уй манзилидаги умумий 600 кв.м. майдонда жойлашган, бошланғич баҳоси - 275 000 000 сўм бўлган нотураржой бино ва иншоотлари қўйилмоқда.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси - "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ХАТБ "Universal bank" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050001, МФО 00996, ИНН 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (8371) 233-09-38. www.rgbusiness.uz,

Лицензия RR-0052.

Маънавият

# ИККИ ЮЗ МАРТА ЎҚИЛГАН КИТОБ

***Китоб – билим манбаи, маърифий хазина, туганмас бойлик. У – бамисли қуёш. Қуёш ердаги ҳаёт учун қанчалик муҳим ўрин тутса, китоб инсоннинг маънавий баркамоллигида шундай аҳамиятга эга. Китоб мутолаасининг ўзиёқ онг ва дунёқарашни шакллантиради.***



Буюк бобомиз Фаробий Арастунинг "Жон ҳақида" деб номланган китобига ўз қўли билан: "Мен бу асарни 200 марта ўқидим", деб ёзиб қўйган экан. Аммо, китобдан шунчаки, эрмак, зерикканда қўлга олинадиган бир восита сифатида фойдаланиш ярамайди. Зеро, у онг ва қалб эҳтиёжини қондирувчи омил сифатида инсон руҳини тарбиялайди, шахсни шакллантиради. Китоб ўқишдан мақсад, завқланиш ва таъсирланишгина эмас, балки мантиқий муҳокама этиш, ўзликни, ҳақиқатни илғаб топиш ҳамдир. Улуғ ҳаким Абу Али ибн Сино Бухоро ҳукмдори Нуҳ ибн Мансурни даволагач, эвазига олтину кумушлар тўла сандиқ олишни эмас, балки сарой кутубхонасидан фойдаланишни афзал кўрган.

Китоб ҳақида яна бир қизиқарли ҳолат. Буюк рус шоири А. Пушкин вафот этар чоғида унга: "Дўстларингиз билан видолашинг", дейишади. Шунда Пушкин жавонидаги китобларига термулиб: "Хайр, менинг дўстларим!", дея жон берган экан.

Ҳозир илм-фан мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Китобнинг ўрнини ахборот техникаси эгаллай бошлади, натижада одамзот тинимсиз ахборот қабул қилишга мослашиб қолди. Ахборот оқими шу қадар шиддатлики, уни қайта ишлашга, фикр юритишга улгуриб бўлмай қолди. Вахоланки, дунёни юксак тараққиёт поғоналарига олиб чиққан билимлар манбаи китобдир. Инсон ахборотга эга бўлиш иштиёқи туфайли китобдан узоқлашиши билан бирга табиатдан, ҳаёт гўзаллигидан, маърифатдан узоқлаша бошлади. Моддий эҳтиёжлар беқиёс даражада ортиб кетиши эса қалб ва руҳнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга тўсиқ бўлади. Демак, биз маърифат фидойиларидан бирининг куюнчаклик билан айтган: "Билим деб ҳикматдан, ахборот деб маърифатдан айрилдик", деган сўзлари нақадар тўғрилигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Буюк олим Архимед: "Менга ернинг мувозонат нуқтасини берсангиз, уни бармоғимда кўтарар эдим", деган экан. У назарда тутган мувозанат нуқтаси қаерда? Бугунги дунёнинг таянчи нима? Таъбир жоиз бўлса, курраи заминнинг таянч нуқтаси бу ўша илму ҳикмат, маърифату маънавият ва унинг манбаи бўлган китобдир.

Замонамиз – мушоҳада замони. У биздан шиддат билан кечаётган бугунги ҳаётда инсониятнинг ўтмишини чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ва теран англаш асосида келажак томон масъулият билан қадам ташлашни талаб қилмоқда. Илм – нур, китоб – мўъжиза, мутолаа – ҳайрат. Бинобарин, китоб мутолаасига қаратилаётган эътибор миллий ўзликни ва умуминсоний қадриятларни тарғиб этиши билан алоҳида қадрлидир. Биз руҳиятимиз, қалбимиз, яъни ўз оламимиз ва табиат билан қайта тил топишмоқчи эканмиз, ўқувчи ёшларимизни, талабаларимизни, фарзандларимизни ҳам китоб мутолаасига қайтаришимиз зарур.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев ёш авлод таълим-тарбиясида китобнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканини алоҳида таъкидлаб: "Айни вақтда ахборот коммуникация соҳасидаги сўнгги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, ёшларни китоб ўқишга бўлган қизиқишини ошириш, аҳолининг китобхонлик кўникмасини янада юксалтириш ва уларни кенг тарғиб қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратамиз", деган сўзлари эртамиз эгаларининг баркамоллиги йўлидаги ғамхўрликнинг яққол ифодасидир.

**Даврон ТЕМИРОВ,**
**халқ таълими аълочиси.**




## ДАРД ЧЕКМА, ОНА ТАБИАТ

**"Ер атмосферасидаги карбонат ангидрид миқдори иқлим ўзгаришида янги даврни белгилаб беради", дея маълум қилмоқда Жаҳон метеорология ташкилоти (WMO).**



Қайд этилишича, атмосферадаги заҳарли газлар миқдори 2016 йилда рекорд даражага етиб, 0.0004 фоиздан пастга тушмаяпти.

Бунга тропик минтақаларда қурғоқчилик туфайли ўсимликларнинг карбонат ангидридни қайта ишлаш ҳажми камайиб кетгани ҳам таъсир қилмоқда. Олимларнинг таъкидлашича, атмосферада карбонат ангидрид миқдори сўнгги марта беш миллион йил аввал 0.0004 фоиздан юқори бўлган экан.

Иқлим ўзгаришлари, озон қатламининг емирилиши, ана энди эса карбонат ангидрид газининг меъёрдан ортиб кетиши... Она сайёрамиз тақдирида кечаётган бу ўзгаришлар инсонни сергак торттириши, ҳавони заҳарлаши муқаррар бўлган технологиялардан зудлик билан воз кечишга ундаши табиий.

## ГРЕЦИЯДА ДАҲШАТЛИ СОВУҚ

**Грециянинг Салоники шаҳрида тўрт кундан бери рекорд даражадаги совуқ об-ҳаво ҳукмрон.**



Аристотель университетининг метеорология ва иқлимшунослик лабораторияси олимлари хабар қилишича, бундай совуқ 1963 йилдан бери кузатилмаган.

Олимлар бундай об-ҳавога "Ариадна" антициклонини сабаб қилиб кўрсатишмоқда. Ушбу антициклон Грецияга Сибирдан жуда ҳам кучли совуқ об-ҳаво ва қорни олиб келди, мамлакатнинг бир қатор ҳудудларида фавқулодда ҳолат жорий қилинди.

## ҚОҒОЗ ЎРНИГА ПЛАНШЕТ

**Қоғоз ва қалам билан ишлашга одатланган фойдаланувчиларга мўлжалланган антиқа "reMarkable" номли планшет ишлаб чиқилди.**



Унинг оғирлиги 350 грамм бўлиб, E-Ink Carta технологиясида тайёрланган 10,3 дюмли CANVAS дисплейи ўрнатилган. Аниқлик формати 1872 x 1404 пиксель. Қизиғи шундаки, экран таркибида шиша мавжуд эмас.

Ёзувни экранга киритиш учун Marker номли қалам-стилус хизмат қилади. Планшет 1 ГГц частотали процессорда ишлайди, 512 ГБ оператив ва 8 ГБ доимий хотира (100 000 та саҳифани сақлаши мумкин) билан жиҳозланган. Wi-Fi ва сиғими 3000 мА/соат бўлган батарея кўзда тутилган.

Ишлаб чиқарувчининг таъкидлашича, планшет қоғоз ва қалам ўрнини бемалол босади. Лекин, уни йиртиб, ахлатга ташлаш имконсиз.

**Фирдавс РАВШАНОВ тайёрлади.**

Касб-ҳунар коллежлари ҳаётидан

*Ўтган вақт мобайнида Бўка агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежини 20 мингдан ортиқ ёшлар тамомлади. Улар ҳозирда халқ хўжалигининг турли тармоқларида самарали меҳнат қилиб келишаяпти.*

# ШИЖОАТЛИ ЁШЛАР МАСКАНИ

2006 йилда коллежнинг 450 ўринли ўқув биноси қайта таъмирланиб, 720 ўринга эга бўлган замонавий билим даргоҳига айлантирилди. Таълим соҳасидаги ислоҳотлар изчил амалга оширилиб, коллеж замонавий жиҳозлар билан таъминланди, мутахассис кадрлар тайёрлаш ишига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўқув даргоҳида икки ўқув биноси, 6 та замонавий устахонага эга ишлаб чиқариш мажмуаси, 150 ўринли ошхона, 50 ўринли ўқувчилар тураржойи, 120 ўринли,



50 минг 800 дона китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази, 150 ўринли фаоллар зали, ўқувчиларни ҳайдовчиликка ўргатувчи 4 та енгил ва юк автомашиналари, 2 та компьютер синфи ва 4 та лингафон хоналари мавжуд.

Айни чоғда билим даргоҳида туман ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурига кўра замон талабларига жавоб берадиган "Ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси", "Автомобилларни бўяш ва кузов ишлари", "Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш", "Агрономия", "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" сингари янги таълим йўналишлари жорий этилган бўлиб, уларда 1 минг 266 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. 54 нафар фан ўқитувчиси ва 19 нафар ишлаб чиқариш таълими устаси доимо шогирдлар ёнида.

Малакали кичик мутахассисларни тайёрлашда олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларининг узвийлигини таъминлаш мақсадида Тошкент Ирригация ва мелиорация институти, Тошкент Давлат аграр университети, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Тошкент автомобиль йўллари институти ҳамда Тошкент Давлат педагогика университети билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатилган.

Коллеж ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган услубий қўлланма ва кўрсатмалардан нафақат туман ва вилоят миқёсида, балки республикамиздаги таълим муассасаларида ҳам кенг фойдаланилмоқда. Таълим муассасаси йил якунларига кўра, вилоятдаги 129 та касб-ҳунар коллежлари ўртасида пешқадам бўлди.

Нишонбой Усмондиёров, Жамила Тошматова, Гулбаҳор Содиқова, Муаттар Йўлдошева, Барно Жабборова, Ортиқ Маҳмудов каби маҳоратли педагог ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг, Наргиза Мусаевадек тажрибали АРМ раҳбарининг ибратли меҳнати таҳсинга сазовор.

Сўнгги уч йил натижаларига кўра, битирувчилар бандлигини таъминлаш 98 фоизни ташкил этди. Айниқса, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди. Коллежнинг 80 дан ортиқ битирувчилари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда.

Битирувчиларнинг икки нафари танлов асосида "GM-Uzbekistan" корхонасига ишга кириб, замонавий автомобиль двигателларини тайёрлашда қатнашмоқда. Улардан бири Фаррух Алиқулов Германияда ўтказилган мутахассислар танловида қатнашиб, "Компаниянинг энг яхши техниги" номинацияси ғолиби бўлди.

Коллежнинг 100 дан ортиқ иқтидорли ўқувчилари вилоят ва республика миқёсида ўтказилган тадбир ва кўрик-танловларда юқори натижаларни қўлга киритган. Чунончи, Дилфуза Олимжонова 2015 йилда "Ватанимга таянч бўламан" иншолар танловининг республика босқичида қатнашиб, фахрли 1-ўринни эгаллади. Муаттар Тожибоева эса "Камолот шахмат тахтаси" республика турнирида 2-ўрин соҳибасига айланди.

Ўқувчиларнинг 12 нафари халқаро, 100 нафардан зиёдроғи эса вилоят миқёсидаги спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этишди. Ўзбек жанг санъати ва каратэ бўйича Жасур Аҳмаджонов, Далер Абдулазизов ва Зоир Абдураззоқов каби ўқувчиларнинг халқаро майдонлардаги ютуғи кўпчиликни қувонтирди.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ.**

Спорт

# ҒАЛАБА ҲАММАГА ЗАРУР

*Футзал бўйича XXI миллий чемпионатнинг 3-тур баҳсларига старт берилди. Дастлабки беллашувларда амалдаги чемпион "Олмалиқ" пойтахтнинг "Локомотив" жамоасини 5:2 ҳисобида йирик мағлубиятга учратди.*



Темирйўлчилар дарвозасига киритилган бешта голга олмалиқликлардан Жамолиддин Шарипов, Сирожиддин Маҳмудов, Фарҳод Абдумавлонов ва Дилшод Ирсалиевлар муаллифлик қилишди. Рақиб жамоа Артём Грабовкий ва Абдулла Солиҳовларнинг иккита аниқ зарбаси билан жавоб қайтаришди. Якунда вилоятимиз футзалчилари қимматли очколарни қўлга киритиб, пешқадамлик қилмоқда. "Локомотив" эса уч очко тўплаган ҳолда мусобақа жадвалининг энг қуйи поғонасида қолди.

Шунингдек, Бекободнинг "Металлург" клуби "Максам-Чирчиқ" жамоаси билан ўйинда Суннат Кураловнинг дубли эвазига ғалаба қозонди.

Навбатдаги учрашувларда "Максам-Чирчиқ" "Олмалиқ" жамоасига қарши майдонга тушса, бекободликлар "Бунёдкор"ни доғда қолдиришга уриниб кўришади.

**Абдулазиз МУСАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Нега шундай деймиз?

## «БИР ҚОП ЁНҒОҚ-ДА, ШУ ОДАМ»

Одамнинг феъл-атвори, ҳазил-ҳузул қилиб даврани тўлдириши, қувноқлиги билан кўпам ҳар нарсани юрагига яқин олавермаслигига урғу берилса, яна баъзида кўпчилик билиши шарт бўлмаган нарсаларни айтиб қўядиган инсонларга нисбатан "Шу ҳам бир қоп ёнғоқ-да", деб беозор кулиб қўйишади.

## «ҚУЛОҚ БОШИ»

Ибора кўчма маънога эга. Кўчма маъносида ҳар ишнинг боши, бошланиши, манбаи маъноларида қўлланилади. Бу иборани кўпинча деҳқонларимиз ишлатишади. Ариқнинг, сувнинг бўлинган, ажралган жойи "қулоқ" дейилади. Шунинг учун ҳам қишлоқ, дала, катта экин ерларига нисбатан "қулоқнинг боши", "қулоқнинг ўртаси", "қулоқнинг охири" иборалари фаол қўлланилади. Сувнинг миқдори шунга қараб белгиланган.

**Нодирбек ТОҲИРОВ тайёрлади.**

МОҲИЯТ

## НАВОИЙ АДОЛАТ ҲАҚИДА

*Омонлик учун одил бўлу, адл айла иш,*
*Ўқда агар адл йўқ этмас равиш.*
*Шоҳки, иш адл ила бунёд этар,*
*Адли бузуқ мулкини обод этар.*

* * *

*Сипоҳ хотирин лутф ила шод қил,*
*Раиятни адл айлаб, обод қил.*

* * *

*Адл айлаки, ул халқ ҳаёти бўлмиш,*
*Хуш ул кишиким – адл сифоти бўлмиш,*
*Ҳам мулк била адл жиҳоти бўлмиш,*
*Ҳам адл била мулк саботи бўлмиш.*

* * *

*Қуёшдек шоҳ адолат пеша қилса,*
*Жаҳон мулкини бир дамда ёрутқай.*
*Агар зулм этса оқшом зулматидек,*
*Ҳам ул дам тийралик оламни тутқай.*

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади.

## ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ

Шаҳар четида бир қария ўтирарди. Бир ёш йигит келиб, ундан сўради:

– Мен жуда узоқдан келаяпман. Бу шаҳарда бўлмаганман. Бу ерда қандай одамлар яшайди?

Чол унинг саволига савол билан жавоб берди:

– Сен чиққан шаҳарда қандай кишилар яшарди?

– У жойни худбин ва ёмон одамлар эгаллаганди. Шу сабабли ҳам у ердан кетдим.

– Бу ерда ҳам худди ўшандай одамларни учратасан, – деб жавоб берди оқсоқол.

Бир оз вақт ўтиб, бошқа бир киши келди ва худди ўша саволни берди. Чол яна ўшандай саволли жавоб қайтарди.

– Олижаноб, меҳмондўст, дарё феълли одамлар яшайдиган шаҳардан келаяпман, – деди йўловчи. – У ерда жуда кўп дўстларим қолди.

– Бу ерда ҳам худди шундай одамларни учратасан, – деди қария.

Сал нарида туяларини суғораётган савдогар чолнинг гапларига қулоқ тутиб турганди. Иккинчи йўловчи кетгач, қариянинг ёнига келиб, киноя билан сўради:

– Бир хил саволга мутлақо тескари, икки хил жавоб бердингиз, шу инсофданми?

– Ўғлим, – деди чол, – келган юртида бирор-бир яхшилик топмаган одам бу ерда ҳам худди шу тарзда кун кечиради. Ўз юртида дўст орттира олган иккинчи киши эса бу ерда ҳам яхши дўстлар топади. Биз атрофимиздагиларни қандай кўрсак, улар шундай кишиларга айланади.

**Ориф ТОЛИБ тайёрлади.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:

| | |
|---|---|
| Қабулхона: | 233-58-85 (факс) |
| Бош муҳаррир ўринбосари: | 233-70-10 |
| Котибият: | 233-90-82, 233-79-96 |
| Бўлим муҳаррирлари | 233-38-23, 233-48-08 |
| Шартнома ва эълонлар: | 233-81-21, 233-65-59 |
| Ҳисоб-китоб бўлими: | 233-54-10 |

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-7985. Адади 15 624. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 22.20.